Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 27 октябрь, пайшанба №160 (21.734) Сотувда эркин нархда.

ТАШРИФ САМАРАЛИ ЎТДИ

25 октябрь. Мамлакатимиз Президентининг ХХРга давлат ташрифининг иккинчи куни Хитойдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири — телевизор экранлари ишлаб чиқарувчи "Пекин-мацусита колор корпорейшн" Хитой-Япония қўшма корхонасини бориб кўришдан бошланди.

Ислом Каримов бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни билан қизиқди, ишчилар билан суҳбатлашди. Ушбу қўшма корхона йилига уч миллионга яқин замонавий кинескоп ишлаб чиқаради ва маҳсулотининг талай қисмини хорижга экспорт қилади

Ўтган йил якунларига кўра, корпорация маҳсулотининг сифати ва салмоғи бўйича Хитойдаги энг яхши 10 саноат корхонасининг бири деб тан олинди. Айни пайтда корпорацияда уч мингга яқин киши меҳнат қилади.

— Корпорациямизга ташрифингиз биз учун катта шараф,-деди қўшма корхона президенти Цзян Пень мамлакатимиз раҳбарига. — Умид қиламизки, биз мазкур ташриф натижасида ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яхши алоқа ўрнатамиз.

Президент Ислом Каримов бугун ХХР Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэн билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида гап борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хитой матбуоти, радио ва телевидениеси Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифини алоҳида эътибор билан ёритмоқда. Кеча ва бугун барча газеталар Ўзбекистон, Ислом Каримов ҳақида, Президентимизнинг Пекинда ўтказган учрашувлари, музокаралари натижалари тўғрисида батафсил мақола ва ранг-баранг суратлар чоп этди. Жумладан, ХХРнинг энг йирик "Жэнь минь жибао" газетаси ўз мухбирининг ҳисоботида Ўзбекистон Президентининг сафари жуда самарали ўтаётгани ва бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишида муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

***

ШАНХАЙ, 25 октябрь. Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси бугун куннинг иккинчи ярмида Хитой Халқ Республикасининг саноати гуркираб ривожланаётган йирик шаҳарларидан бири Шанхайга етиб келди. Ушбу шаҳар Президент Ислом Каримовнинг Хитойга ташрифи дастуридан алоҳида ўрин олгани бежиз эмас. Шанхайда Пекиндагидан ҳам кўпроқ, яъни салкам 13 миллион аҳоли истиқомат қилади. Расмий маълумотларга қараганда, ХХР миллий даромадининг олтидан бир қисми шу шаҳарда ишлаб чиқарилади. Айни пайтда Хитойга келтирилаётган ва мамлакатдан хорижга жўнатилаётган юкнинг учдан бир қисми Шанхай орқали ўтади.

— Шанхай ва Тошкент — икки қадимий ва буюк шаҳарлар, мамлакатларимизнинг йирик саноат, маданият, фан ва маънавият марказларидир,— деди Ислом Каримов шаҳар раҳбарлари билан бўлган тантанали учрашувда.— Шунинг учун ҳам бу икки шаҳар нафақат ўзаро ҳамкорлик қилишга, ҳатто ўзаро биродарлашувга муносибдир.

Президент Ислом Каримовнинг Шанхайга ташрифи дастуридан йирик саноат корхоналари, савдо марказлари, қурилиш иншоотлари билан танишув кенг ўрин олган. Бугун мамлакатимиз раҳбари шаҳарнинг дилкушо жойларини бориб кўрди. Шанхайликлар билан суҳбатда бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

***

ШАНХАЙ, 26 октябрь. Президент Ислом Каримов Хитойга ташрифининг учинчи кунини Шанхайдаги дунёга машҳур "Пудунь" иқтисодий худуди билан танишишдан бошлади. Қариб 350 квадрат километр жойни эгаллаган бу ўзига хос саноат марказининг Хитой иқтисодий харитаси пайдо бўлганига эндигина уч йилдан ошди. Аммо, шу ўтган вақт ичида бу ерда ажойиб шаҳарча барпо этилди. Ўнлаб саноат корхоналари, илмий-техника, савдо, молия-банк, маданият марказлари, турар жой бинолари бунёд этилди. Бу ишларнинг деярли барчасида чет эллик ҳамкорларнинг муносиб ҳиссаси бор. "Пудунь"да ўтган йили 1 миллиард юан миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Олий мартабали меҳмон шанхайликлар фахри бўлган ва энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган кўп қаватли Нанпу ва Янпу автомобиль кўприкларини бориб кўрди. Ушбу кўприкларнинг баландлиги 15-16 қаватли бино билан баробар экани диққатга сазовордир. Ўзбекистон раҳбари "Шарқ жавоҳири" деб ном олган 450 метрли осмонўпар телеминорани бунёд этилиши тарихи билан қизиқди. Кийим-кечак ишлаб чиқарувчи "Мики" фабрикаси цехларида бўлди. "Пудунь" иқтисодий худуди раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Ислом Каримов Шанхайнинг "Миньхан" иқтисодий техник худудига ҳам ташриф буюрди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Шэньфоун" компаниясида, "У-чжоу" фабрикасида бўлди. Ўзбекистон раҳбари ушбу ажойиб шаҳар, ундаги саноат корхоналари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш мамлакатларимиз учун катта имкониятлар очишини таъкидлади.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг ХХРга давлат ташрифи мақомидаги сафари ниҳоясига етди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Шанхайдан Тошкентга жўнаб кетди.

Қулман ОЧИЛ,
ЎзА махсус мухбири.

ИСЛОМ КАРИМОВ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 октябрь куни ХХРдан Ватанимизга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи олдидан

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Андижонда партиямиз вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишда партия ташкилотларининг вазифалари кўриб чиқилди. Бу ҳақда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайладилар, ЎзХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқладилар, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар бўйича таклифларни ишлаб чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов нутқ сўзлади.

ЭРТАНГИ КУННИ ЎЙЛАБ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар республикамиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеадир. Мамлакатимизнинг эртанги куни республиканинг қонун чиқарувчи олий органи ва жойлардаги ҳокимият вакиллик идораларига кимлар сайланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу — Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши пленумида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу боис барча даражадаги партия ташкилотлари ушбу сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сиёсий — ташкилий жиҳатдан пухта таъминлашлари керак. Пленум қатнашчилари шу масала юзасидан партиямиз вилоят кенгаши иккинчи котиби М. Алиева маърузасини тингладилар.

Пленумда партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайланди, Ўз ХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодлар кўрсатилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифлар берилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов сўзга чиқди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Самарқандда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига шу йил 25 декабрда ўтказиладиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотлари олдидаги долзарб масалаларга бағишланди. Вилоят кенгашининг биринчи котиби Й. Суюнов шу ҳақда маъруза қилди.

Пленумда партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайланди, Ўзбекистон ХДПдан вилоят Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатилди, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар шакллантирилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик нутқ сўзлади.

ЖИДДИЙ СИНОВ ОЛДИДАН

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти конференциясининг иккинчи босқичида мамлакат Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар партиямиз ташкилотлари учун жиддий синов эканлиги, улар бу имтиҳондан муваффақиятли ўтиш учун барча имкониятларини сафарбар қилишлари лозимлиги уқтириб ўтилди. Конференция қатнашчилари шу масала юзасидан Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А. Асановнинг маърузасини тингладилар.

Конференцияда Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайланди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига партиямиз номзодлари рўйхати тасдиқланди, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади.

***

Худди ана шундай масалалар Ўзбекистон ХДП Навоий, Хоразм, Фарғона, Сурхондарё вилоят кенгашларининг пленумларида ҳам кўриб чиқилди. Уларда вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари: Навоийда — Б. Рўзиев, Хоразмда — Ғ. Машарипов, Фарғонада — А. Мирсалимов, Сурхондарёда — Ҳ. Эрматовлар маъруза қилишди.

Мазкур пленумларда Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегатлар сайланди, партиямиздан халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига номзодлар кўрсатилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида"ги 1994 йил 23 сентябрдаги қарорига биноан, I-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўладиган сайловга тайёргарлик муҳим босқичга кирди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунга тўла амал қилган ҳолда республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида сайлов округлари тузилиб, округ сайлов комиссияларининг таркиблари тасдиқланди.

Шу йилнинг 18 октябридан бошлаб, сайлов ҳақидаги қонуннинг 20-ва 22-моддаларига мувофиқ, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатила бошланди. Халқ депутатлари Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашлари ўз ҳудудларида жойлашган округлардан Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг номларини кўрсатдилар.

Номзодлар орасида ҳуқуқшуносла, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш, жамоа хўжалиги, акционерлик-тижорат, маданият ва санъат ходимлари, халқ хўжалигининг бошқа турли соҳаларидан вакиллар бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси юқоридаги номлари қайд этилган халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалари ва бошқа тақдим этилган ҳужжатларни кўриб, тақдим этилган ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ўз хулосасини берди.

Марказий сайлов комиссияси халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан депутатликка кўрсатилаётган номзодларни рўйхатга олиш юзасидан тегишли иш олиб бормоқда ва булар ҳақида матбуотда ахборот бериб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўрсатилган номзодлар рўйхати яқин кунларда қонунга мувофиқ республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар рўзномаларида эълон қилинади.

•ТАДБИРКОРЛИК

ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛТИРИЛДИ

•НАВОИЙ (мухбиримиздан). Қизилтепа туманидаги "Қўшработ" жамоа хўжалиги аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди.

Хўжалик хонадонлари газлаштирилди. Кейинги уч йил давомида 150 километр масофага турли ҳажмдаги газ қувурлари ётқизилиб, 5 минг хонадон арзон ёқилғига эга бўлди. "Газлаштириш билан кифояланмай, — дейди вилоят газ таъминоти бошқармаси бошлиғи М. Холов, — хўжаликнинг ўзида туман газлаштириш идорасининг бўлимини ҳам ташкил этдик. Боиси, хўжалик билан туман оралиғидаги масофа 15 километр келади. Энди қўшработлик фуқаролар бу ерда ташкил этилган идорада газ учун ҳисоб-китобни қилаверадиган бўлишди".

Музаффар ШАРОПОВ.

•КИЧИК КОРХОНАЛАР

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

•НУКУС (мухбиримиздан). Аҳолини иссиқ нон билан таъминлашда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги 1,5-2 йил ичида нон ишлаб чиқариш цехлари, кичик корхоналар кўпайди. Хусусан, марказий деҳқон бозори қошидаги "Иссиқ нон" ижара корхонаси ибрат кўрсатмоқда. Корхона Германияда тайёрланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда 30 га яқин киши меҳнат қилиб, бир кеча-кундузда 10-13 хилдаги 2,5-3 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Қ. Давлетбоев, С. Аяпберганов, Р. Полимбетова, Ж. Изоева каби новвойларнинг қўлидан чиққан нонлар кўпчиликка маъқул келмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Андижон вилояти пахтазорларида юксак хирмон учун кураш қизғин кетмоқда. Айни вақтда даладаги барча ҳосилни увол қилмай териб олиш учун бутун имкониятлар ишга солинаётир. Айниқса, Комсомолобод, Бўз, Олтинкўл, Марҳамат туманлари пахтакорлари терим суръатини бир зум ҳам пасайтиришмаётир. Вилоятдаги кўпгина хўжаликлардан режа уддаланганги ҳақида келаётган қувончли хабарлар кундан-кунга кўпайиб бораётир.

Суратда: Олтинкўл туманидаги "Коммуна" жамоа хўжалиги бригадири Асалхон Расулова бригада аъзоларидан Гулсора Исломова ва Маъмурахон Жуманова билан далада.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕК ҲУНАРМАНД УСТАЛАРИ ДОВРУҒИ

Яқинда Покистонда бўлиб ўтган жаҳон ислом мамлакатларининг "Ҳунармандлар иш устида" халқаро кўрик танловида Ўзбекистон вакиллари муносиб қатнашди. Унда жаҳондаги қирқ ислом мамлакати иштирок этди. Бу ҳақда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги санъат бошқармаси бошлиғи Ҳамид ИКРОМОВ қуйидагиларни маълум қилди.

— Халқаро тадбирнинг асосий мақсадлари ислом мамлакатларида ижод қилаётган халқ усталарининг ишини ер курраси аҳлига кенгроқ таништириш ва уларнинг маҳорат мактаби сирларини оммалаштиришдир. Бу халқаро тадбир ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, кандакорлик, зардўзлик, каштачилик, наққошлик, ҳаттотлик, заргарлик, кулолчилик ва мусиқа асбобларини ясаш бўйича энг моҳир усталарни ўз бағрига чорлади. Республикамизнинг Тошкент ва Бухоро усталаридан 12 киши 235 та санъат асарларини намойиш қилдилар. Бухоролик зардўзчилик устаси Бахшилло Жумаев, мисгар Шокир Камолов, тошкентлик Ортиқ Файзуллаев яратган нафис буюмлари халқаро кўрикнинг катта совринлари билан мукофотландилар. Тошкентлик уста юксак маҳорати учун Покистон Президентининг фахрий соврини соҳиби ҳам бўлди.

Ўзбекистон ва Покистон дўстлигига бағишлаб кўрик доирасида ўтказилган тадбирларда қатнашиши учун у ерга икки санъат жамоаси ҳам борган эди.

А. ПЎЛАТОВ.

ЯХШИ НИЯТ ҚИЛАВЕРАЙЛИК

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги ҳарбий-тиббиёт бошқармаси, "Ўзмедтехника" ҳамда "Ўзбегим Интернейшнл" ҳамкорликда уюштирган "Тошкент—94" халқаро кўргазмаси иш бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жонзки, мазкур тадбир Марказий ҳарбий госпиталь ташкил топганлигининг 125 йиллигига бағишланган.

Кўргазмага Америка, Англия, Франция, Япония, Австрия, Польша, Финляндия каби қатор йирик давлатлар фирмаларининг диагностика учун ишлатиладиган реактивлари, иммунология, гематология, кардиология, хирургия, рентгенология, стоматология, офтальмология, гинекология, урология соҳаларида қўлланадиган тиббий асбоб-ускуналар, аллергологик, дермотологик, пульмонологик, онкологик, юрак қон-томир хасталиклари учун шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар ҳам намойиш этилмоқда.

Халқаро кўргазманинг очилишида республика Бош вазири А. Муталов қатнашди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ПАРИЖДА УЛУҒБЕК ЮБИЛЕЙИ ТАНТАНАЛАРИ

ПАРИЖ, 25 октябрь. /ЎзА махсус мухбири хабар қилади/. Буюк юртдошимиз, беназир олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантаналар унинг ватанидан анча узоққа — Франция Республикаси пойтахти Париж шаҳрига кўчди. Бошқача айтганда, бу улкан алломага аталган тантаналар дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — ЮНЕСКО қароргоҳида давом этмоқда. ЮНЕСКОнинг мажлислар залида 24 октябрь куни эрталаб "Улуғбек ва буюк темурийлар даври" мавзуида халқаро анжуман иш бошлади. Уни ЮНЕСКО котибиятининг маданият бўйича вакили Дудудастн кириш сўзи билан очди. ЮНЕСКО бош директорининг маданият бўйича ўринбосари Лурдис Ариэпе хоним йиғилганларни бу катта тантана билан табриклади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев қисқача нутқ сўзлаб, мустақил, Ватанимизда миллий қадриятларни тиклаш, маданий ва маънавий меросга эътибор борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Республика Президенти Ислом Каримов Фармони билан 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинганини, шу муносабат билан ўлкамизда кўп ишлар амалга оширилганини, Улуғбекнинг 600 йиллигига ЮНЕСКО катта эътибор берганини таъкидлади. ЮНЕСКО котибиятининг фан бўйича вакили Верхуг ўз сўзида Улуғбек тарихда аввало йирик олим сифатида қолганини қайд этди.

Олимлар темурийлар даври фани, маданияти вакиллари фақат Туронзамин тарихида эмас, балки бутун дунё маданияти, фани тарихида ёрқин саҳифалар қолдирганини қайд этдилар.

Шу куни кечқурун "Улуғбек ва анъанавий санъат" мавзуида кўргазма очилди. Ушбу маросимда ЮНЕСКО бош директорининг ташки алоқалар бўйича ўринбосари Анре Лопес ва Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев нутқ сўзлади. Бир неча қисмдан иборат кўргазма бу ерга ташриф буюрганларда унутилмас таассурот қолдирди.

Маросимларда Ўзбекистон Республикасининг Францияда ги фавқулодда ва мухтор элчиси А. Саидов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, фан ва маданият арбоблари иштирок этди.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

Ўзбекистон етакчи сиёсий кучи ХДП-жамиятнинг

ЎзХДП 3 йиллиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

"ЎЗБЕКИСТОН"

Партия Дастурининг энг устун вазифаларидан бири — Ўзбекистоннинг чинакам давлат мустақиллигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш, республикамизни жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қарор топтиришга эришишдан иборат.

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон ХДП аъзолари бўлмиш халқ депутатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида — 81,5, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида — 80,7, вилоят кенгашларида — 70, шаҳар кенгашларида — 43,9, туман кенгашларида — 63,3 фоизни ташкил этадилар.



Ўзбекистон ХДП аъзолари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшяптилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган йирик, нуфузли сиёсий ташкилотдир. У республикамиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар доирасида сиёсий фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ХДП ўз табиатига кўра, давлат, маъмурий ва хўжалик ишларига бевосита аралашишдан воз кечиб, ҳар бир фуқарога ўз сиёсий қарашларини аниқлаб олиш ва эркин ифодалашга имкон берувчи фикрлар хилма-хиллиги, кўппартиялиликни тўла қарор топтириш йўлидан қатъий бораётир.

Партиямиз ўз сиёсатини ХДП аъзолари бўлмиш барча даражадаги халқ депутатлари ҳамда бошқарув идораларининг раҳбарлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилади.

У Ўзбекистонда миллий давлатчиликни барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов 1991 йилнинг 29 декабрь куни мамлакатимизда биринчи марта муқобиллик ва кўппартиялилик асосида ўтган Президент сайловларида халқимиз томонидан якдиллик билан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди.

Давлат ҳокимиятининг барча даражадаги сайлаб қўйилган идораларида Ўзбекистон ХДП аъзолари самарали меҳнат қиляптилар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда ўнлаб қонунларнинг тайёрланиши ва қабул қилинишига республика парламентининг партиямиз аъзоси бўлган депутатлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларни изчил рўёбга чиқаришда вазирлик ва идораларнинг, хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ХДП аъзолари бўлган раҳбарлари, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари фаоллик кўрсатаётирлар.

Ўзбекистон ХДП республикамизда иш олиб бораётган кўплаб жамоат ташкилотлари, уюшмалари, "Маҳалла", "Соглом авлод учун" жамғармалари билан аҳолининг иқтисодий жиҳатдан камқувват қатламларини, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ёшларимизни меҳнатсевар, ватанпарвар, маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилаётир.

Партиямизнинг марказий ва маҳаллий ташкилотлари ўлкамизда қарор топган тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлашни таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашишни ўзларининг биринчи галдаги вазифалари, деб биладилар.

Партия ёш давлатимизнинг халқимиз манфаатларига тўла мос бўлган тинчликсевар ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб турли хорижий партиялар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатмоқда.

Ўзбекистон ХДП мамлакатимиз Президентининг жамиятимиздаги мустаҳкам сиёсий таянчи бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишга интилади.

Партиямиз ташкилотлари аҳолининг иқтисодий эҳтиёжманд қатламлари, хусусан, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оналар, етим-есирлар, қаровсиз қолган қариялар, ўқувчилар ҳамда талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор беришяпти.

Кўплаб партия ташкилотлари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатишган, туман ва шаҳарлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишмоқда.

Партиямиз Осиё ва Европа мамлакатларининг демократик йўналишдаги партиялари ва республикамизда жойлашган чет эл дипломатия миссиялари билан амалий ҳамкорлик ўрнатган.

Суратда: Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида қабул маросими. Социнтернининг йирик намояндаси, Германия Социал-демократик партияси раҳбарларидан бири Ханс Йохен Фогель ва унинг ҳамроҳлари билан учрашув.

АНДИЖОН: МАРРА АРАФАСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ўзгаришлар юртимиз равнақини оширишга, жонажон ватанимизни гуллаб яшнатишга, меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилаётганлиги билан ҳам қалбларимизга қувонч бахш айламоқда. Эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаяпти.

Мустақилликнинг ўтган уч йили гарчанд тарих учун қисқа бир давр бўлса-да, ўзининг унутилмас воқеаларга бойлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу йиллар ичида иқтисодиётимизни юксалтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ўзининг катта самарасини берди. Мулкчилик муносабатлари шаклланиб, қишлоққа саноатнинг кириб келишига талаб ортди. Хорижий давлатлар фирмалари билан ҳамкорликда қатор қўшма корхоналар барпо этилди.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов шу йилнинг 4 октябрида вилоятимизга ташриф буюрган чоғида бу ерда қилинган ишлар билан танишар экан, андижонликларнинг меҳнатига юксак баҳо берди. Келгуси ишларга талай йўл-йўриқлар кўрсатди. Шу билан бирга олдимизда турган муҳим вазифаларга эътиборимизни қаратди. Аниқса, Андижон шароитида пахтанинг эртапишар, серҳосил навларини кўпайтириш, ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай териб олиш юзасидан юртбошимизнинг берган маслаҳатлари йиғим-теримни қизғин паллага киритган вилоятимиз пахтакорларига алоҳида руҳ бағишлади. Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисида"ги 1994 йилнинг 22 августида имзолаган Фармони, республика Вазирлар Маҳкамасининг пахта йиғим теримини уюшқоқлик билан ўтказиш ва дон етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан қабул қилган қарорларини бажаришга астойдил киришдик. Ҳосил йиғим-терининг дастлабки кунлариданоқ пахта ҳаммамизнинг умум ишимизга айланди. Деҳқондан тортиб, оддий шаҳарлик ҳашарчигача — ҳамма ғанимат кунларни бой бермай, ҳосилни йиғиштириб олишга, унинг бирон миқолини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймасликка ўз ҳиссасини қўшди ва айни кунларда ҳам бу иш қизғин давом эттирилмоқда.

Нияти ўзига йўлдош халқимизнинг эришган катта меҳнат ютуғида, уйғун юксак хирмонида ҳар бир пахта устаси, миришкор деҳқону азамат пахтакорнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, кейинги икки йилда Фарғона водийсида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этиб келаётган марҳаматлик заршунослар алоҳида матонат кўрсатдилар. Уларнинг 21 минг тонналик "оқ олтин"и мустақил давлатимизнинг улкан хирмонига муносиб армуғон бўлиб қўшилди.

Вилоятимиздаги ўнта туман, 76 та жамоа хўжалиги, 11 та ширкатлар уюшмаси маррани эгаллаб, теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқда. Булоқбоши туманининг Ойбек номли жамоа хўжалиги, Андижон туманидаги Бобур номли ширкатлар уюшмаси, А. Исмоилов номли жамоа хўжалиги, Асака туманининг "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги, Жалолқудуқ туманининг Амур Темур номли жамоа хўжалиги миришкорлари 120 фоизлик маррадан ошиб, ҳозиргача гектаридан 34-36 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Айни пайтда улар ялпи ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун баракали меҳнат қилишаяпти. Ушбу маррани эгаллашимизда моҳир механизаторлар, "пўлат от" суворийлари алоҳида ғайрат шижоат кўрсатдилар.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Юксак хирмонга ўтган йилдан бошлабоқ пухта замин яратдик. Ноябрь-декабрь ойлари ниҳоятда серёғин келганига қарамасдан қийин об-ҳаво шароитида асосий майдонлар шудгорлашдан ўтказилди. Баҳорги экин мавсумига пухта тайёрланди. Шу билан биргаликда пахтачиликда техника тараққиёти ютуқларини қўллашга жиддий эътибор бердик. Энг аввало, пуштага чигит экиш майдонлари кенгайтирилиб, 80 минг гектарга етказилди. Бошқачасига айтганда, бу усул олдинги йилдагига нисбатан 20 фоиз кўпайди. Энг муҳими, пахтанинг навини тўғри танлашга ва сифатли уруғ тайёрлашга жиддий аҳамият берганлигимиз бўлди. Вилоятимиз бўйича 112 минг гектар пахта майдонининг 75 минг гектарига тезпишар ва вилтга чидамли "Фарғона-3", "Қирғизистон-3", "Наманган-77" навлари экилди. Кўпнавликка барҳам берилди.

Қимматли саноат ҳом ашёмиз, бебаҳо ва асосий бойлигимиз бўлган пахтанинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ўрни беқиёс. Эндиликда биз пахта орқали кўплаб мамлакатларга йўл очяпмиз. Маҳсулот айрибошлаш йўли билан хорижий ҳамкорларимиздан замонавий техника, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа зарур ашёлар келтираяпмиз. Шунданми экан, пахта ризқ-рўзимиз, дастурхонимиздаги бутун нонимиз каби биз учун ниҳоятда ардоқлидир. Унинг қадрини баланд тутиб, терим суръатини бўшаштирмай олиб бораяпмиз. Андижонликларнинг юксак ахди шундай, ҳосилни ерда қолдирмай териб оладилар. Яна 25 минг тонна пахта териб олиб, мустақиллик хирмонини янада юксалишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Исматилла ҚОБУЛОВ,
Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ депутати.

МУСТАҚИЛЛИК ХИРМОНИ

Вилоят пахтакорларининг чўнг хирмонига Асака туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги миришкорлари ҳам муносиб улуш қўшишди. Улар ҳар гектар ердан 32 центнердан уруғлик пахта етиштиришди.

Суратда: жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Иқболжон Қосимов илғор бригада бошлиғи Маъруфжон Бозоров билан.

Ҳ. АРАББОЕВ олган сурат.

МЕҲНАТГА РАҒБАТ

Андижонликлар пахтачиликда бу йилгидай қулай келган даврни эслай олмайдилар. Она табиат улардан саховатини аямади. Деҳқонларнинг меҳрига тўйинган, қалбидан қувват ва ҳарорат олган ниҳоллар яшнаб, яшил пайкалларга ўзгача чирой ва латофат бахш этди. Чаноқларда деҳқоннинг бахти кулиб боқди. Чевар теримчилару моҳир ҳашарчиларнинг оппоқ толалардан уйган хирмонлари юксалиб, уларнинг юзини ўзидек ёруғ айлади...

Андижон туманига бундан чамаси уч ой аввал борган эдим. Ўшанда далаларда ғўзага айни қизғин ишлов берилаётган кезлар эди. Туман ҳокими Ҳасан Ҳакимов билан суҳбатимиз узоққа чўзилмади.

— Хўжаликларимизнинг табиий шароити бошқа жойлардагидан нисбатан бирмунча оғир, — деди у бироз тин олиб. — Экин майдонларимизнинг асосий қисми насослар ёрдамида суғорилади. Пайкалларимиз жойлашган адирларнинг ён бағирлари айниқса, кўп меҳнат талаб қилади.

Ана шундай мураккаб шароитда иш юритишга одатланиб қолган, меҳнат машаққатларини чекинтираётган туман пахтакорлари йиллик режани барвақт адо этишиб, улкан муваффақиятга эришдилар. Давлатга 16 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Мавжуд 5700 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,8 центнердан ҳосил олиниб, унинг асосий қисми юқори навларга сотилди.

Республикамиз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига кўрсатилаётган катта ғамхўрликлар туман пахтакорларини янги марраларга руҳлантирмоқда. Бобур номли ширкатлар уюшмасининг Йўлдошбой Ёқубов бошлиқ бригадаси азаматлари эндиликда хўжаликларга берилаётган иқтисодий эркинликлардан илҳомланиб, 40 центнерлик маррадан ўзиб кетдилар. И. Бакиров номли жамоа хўжалигининг Эркинбой Исаев бошлиқ бригада пахтакорлари 35 центнердан ошириб хирмон кўтаришди. Эндиликда 33 центнерлик марра учун қизғин курашаётган туман миришкорларига яқинда Украинадан қувончли хушхабар келди: яқин хориждаги бу мамлакатдан 350 тонна қувур ортилган вагонлар йўлга чиқибди.

— Яхши ишлашни билган одам яхши яшашни ҳам ўрганиши керак, — деди бу галги суҳбатимизда туман ҳокими Ҳасан Назарович. — "Ўзтолаимпекс" фирмаси орқали украиналик ҳамкорларимиз билан мол айрибошлашга шартнома тузган эдик. Улар бизнинг толамизга ўзларининг қувурларини беришаяпти. Энди туманимизнинг "зангори олов" етиб бормаган хўжаликларидаги хонадонлар тўла газлаштирилади.

Иқтисодий ислоҳотларни изчил жорий этаётган меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш борасида туманда катта ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоққа саноатни жалб этиш, янги иш жойларини ташкил этиш, қўшма корхоналарни ишга тушириш авж олдирилмоқда. "Гулистон" ширкатлар уюшмасида хўжандликлар билан ҳамкорликда барпо этилган шойи тўқиш корхонаси ўзининг илк маҳсулотларини бера бошлади. "Язекс" фирмаси билан Орол қишлоғида қурилаётган "Антекс-2" корхонасида келгусида пахта қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади. Бакиров номли жамоа хўжалигида очилаётган янги цехда 120 тикувчи ҳадемай иш бошлайди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

„Оқ олтин" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 26 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
Режага нисбатан фоиз ҳисобида.

Вилоятлар	Жами		Шу жумладан машинада	
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
Қашқадарё	**0,04**	**102,21**	**0,01**	**66,96**
Хоразм	**0,46**	**102,03**	**0,04**	**8,34**
Андижон	1,21	99,32	0,51	24,61
Бухоро	0,28	98,69	0,00	3,71
Наманган	1,11	94,59	0,45	40,52
Фарғона	0,79	93,88	0,03	15,17
Навоий	0,05	92,45	0,01	27,22
Самарқанд	0,04	89,53	0,01	26,58
Сурхондарё	0,05	87,33	0,01	31,88
Тошкент	0,94	83,62	0,39	56,13
Қорақалпоғистон Республикаси	0,82	73,25	0,24	22,79
Жиззах	0,83	72,16	0,46	53,33
Сирдарё	1,05	70,75	0,66	54,93
Республика бўйича	**0,59**	**89,37**	**0,25**	**37,24**

Республикамиз мустақилликка эришгач хўжалик юритишнинг янги-янги турлари шаклланди.

Булоқбоши туманидаги Ойбек номли жамоа хўжалигининг пудратчиси Ойқизхон Режабалиева бу усулни яна бир бор ўз тажрибасида исботлади. У ўзига тегишли пайкаллардан икки ҳисса миқдорида пахта ҳосили етиштирди.

Суратда: О. Режабалиева.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Уюшмамиз пахтакорлари учун бу йил қутлуғ келди. 1814 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштириб, сўзимизнинг устидан чиқдик. Давлат қабул пунктларига 3470 тоннадан зиёд "оқ олтин" етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизидан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди. Бу жамоамиз миришкорларининг кейинги йилда қўлга киритган энг катта меҳнат ғалабасидир. Албатта, бундай ютуққа осонликча эришганимиз йўқ. Йил давомида экин майдонларимизга пухта ишлов бериш, пахтанинг навига қараб агротехник тадбирларни олиб бориш эвазига ҳосилни тўла ундириб олдик. Далаларимизга экилган чигитнинг асосий қисми машинабоп қилиб ўстирилди. Пуштаги майдонларни кенгайтириб, 1350 гектарга етказдик. Шу билан бирга мавжуд терим агрегатларини мавсумга шай этиб қўйдик.

Жамоамизда пахта йиғим-теримига қизғин ҳозирлик кўрилгани ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор берилганлиги туфайли ишларимиз юришиб кетди. Теримга жалб этилган 30 механизаторнинг ҳар бири Президентимизнинг туманимизга ташриф буюрган чоғида берган йўл-йўриқлари ва кўрсатмаларидан руҳланиб, алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашди. Сотволди Эргашев, Жалолиддин Мирзабеков, Абдуқаҳҳор Султонов каби азаматлар шу кунгача 150 тоннадан ошириб пахта теришга муваффақ бўлдилар. Ўзимнинг "пўлат этак"лардан тўккан пахтам 180 тоннадан ортиб кетди. Эндиликда бу кўрсаткични 200 тоннага етказиш учун астойдил ишлаяпман.

Ҳукуматимиз томонидан пахтанинг харид нархлари оширилганлиги ва хўжаликларни иқтисодий рағбатлантиришга эътибор қучаяётгани меҳнатимизнинг тобора қадр топаётганидан далолатдир. Бу ғамхўрликларга амалий меҳнатимиз билан жавоб берамиз. Келажаги буюк давлатимизнинг "оқ олтин" хирмонини янада юксалтиришдан куч-ғайратларимизни аямаймиз.

Яҳёбек ҒУЛОМОВ,
Комсомолобод туманидаги Мирзажон Иминов номли ширкатлар уюшмасининг механизаторн.

Ҳосил-94

СУРЪАТ ВА СИФАТ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Тошкент вилояти пахта далаларида аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ қўл теримига кўпроқ эътибор берилмоқда. Сабаби маълум — юқори сифатли хом ашё йиғиштириб олиш, машина ёнилғиси, эҳтиёт қисмлар муаммосидан қутулиш. Айни пайтда куннинг ана шу талаб-эҳтиёжидан келиб чиқилган ҳолда иш юритилмоқда.

Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 33 фоизи пахтакорлар измида бўлиши улар кайфиятини янада кўтарди. Турли рағбатлантириш шакллари, қулайлик ва шарт-шароитлар яратиб берилаётгани терим суръати ва сифатида ўз аксини топаётир. Ҳозиргача ўндан зиёд хўжалик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажарган Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Ҳва номли ҳалқ корпорацияси ҳамда "Гулистон", "Роватак", Охунбобоев номли, Қуйи Чирчиқ туманидан "Ўжакент", Юқори Чирчиқдан "Политотдел", Чиноздан "Чиноз", Амир Темур номли, Оққўрғон туманидан Алишер Навоий номли, "Озод" хўжаликлари шулар жумласидандир.

Йиғим-теримда Ўрта Чирчиқ тумани қарвонбошилик қилмоқда. Туман пахтакорлари йиллик режани уддалаш арафасида. Йиллик топшириққа нисбатан юқори ўсишга эришаётган Бўка тумани миришкорлари кунига 600-650 тонна хом ашё йиғиб-териб олмоқдалар. Теримда 20 минг нафардан зиёд киши қатнашяпти. Хўжаликларда йиллик режани биринчилар қаторида бажарган бригадаларга пул мукофатлари берилмоқда. Кунлик нормасига қўшимча маҳсулот топширган теримчи ҳар бир килограмм пахта учун бир сўмдан ҳақ олаётир. Илғор теримчилар шу кунгача 3-3,5, механик ҳайдовчилар эса 80-85 тоннадан хирмон уйиб қўйдилар. Айрим бригадалар ҳосилдорликни 38-40 центнерга етказишди.

Абдунаби МАННОПОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

"ВАРОЗУН" МАРРАДА

Қизилтепа туманидаги "Варозун" жамоа хўжалиги пахтакорлари эл хирмонига 2 минг 300 тонна "оқ олтин" армуғон этиб, йиллик маррани забт этишди. Ушбу ҳосилнинг 1800 тоннаси ёки 70 фоизи биринчи навга сотилди. Эришилган ғалабага Ё. Худойқулов, Қ. Қурбонов, Э. Болтаев, С. Тўрақулов бошлиқ бригадалар меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшишди.

Мазкур бригадаларда ҳосилдорлик ўртача гектар бошига 32 — 35 центнерга етказилди. Ўз имкониятларини қайта чамалаб чиққан хўжалик меҳнаткашлари яна 450 тонна хом ашё тайёрлаш ва ялпи хирмонни 2750 тоннага етказишга қарор қилишди.

Хўжаликда нафақат пахта, балки дон, пилла, сабзавот, полиз, жун, қоракўл тери тайёрлаш йиллик режалари ҳам муддатидан анча олдин ошириб бажарилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ДИҚҚАТ!

"ЎЗБЕКГАЗАВТОМАТИКА" ЗАВОДИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

маиший газ горелкалари, АКГВ-23,2 маркали иситиш печлари, 4 конфорали газ плиталари, сув қиздириш титанлари ҳамда буюртма бўйича регистрларни

СОТАДИ

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:

Тошкент шаҳри 700156, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе.13, 69, 87, 94 автобуслар, 19, 23 троллейбусларнинг "Заргарлик" заводи бекати.

"ЎЗБЕКГАЗАВТОМАТИКА" ЗАВОДИ.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"** газетасининг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"** газетасининг 1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлишга шошилинг!

Ислоҳот чорраҳаларида

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР



Тадбиркорлик, иш кўзини билиш, ҳар қандай юмушга ишбилармонлик билан ёндошиш бугунги кунда мустақил юртимиз, эл-улуси учун нечоғли муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Юқ ободлиги ва фаровонлиги, тараққиётию равнақи энг аввало ўз бурчини сидқидилдан англаган, ўз ишига айни жонкуярлик, фидойилик ила қарайдиган инсонлар туфайли рўёбга чиқишини ҳам ҳаммамиз яхши биламиз.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида бундай инсонлар кўп. Улар камтар, камсуқум, ҳа деб кўзга ташланавермайди ҳам. Бундай кишилар кам гапириб, кўп иш қилишади. Улар туфайли бир корхона ё хўжалик оёққа туриб, қад ростлаб, равнақ топиб одамларга фойдаси тегадиган, эл-юрт ундан баҳра оладиган ажойиб, нуфузли бир даражага эришади. Абдураҳмон ака Иминжонов шундай инсонлардан. Республика "Ўзбекагротранс" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Деновдаги 8-тижорат ишлаб чиқариш автокорхонасининг раҳбари. Шаҳар Кенгаши нойби. Тўрт фарзанд — икки қиз, икки ўғилнинг отаси, икки неварага бува.

Деновда нима кўп — корхона кўп. Ушбу маконда бир ишни дўндириб, эл оғзига тушиш ҳам мушкул. Сабаби, ишни дўндирадиган инсонлари кўп, эл оғзига тушган фидойилари анчагина. Бунинг учун интилиш керак, меҳнат қилиш керак, Абдураҳмон аканинг феълида шу хислатларнинг бари мужассам. У киши ниҳоятда беҳаловат раҳбар.

8-автокорхонанинг бутун вилоятда, қўшни вилоятлару жумҳуриятларда обрў-эътибори баландлигига ҳам раҳбарнинг ана шу хислатлари сабаб бўлса ажабмас. Зеро, Абдураҳмон аканинг елиб-югуришлари, жонкуярлигию куюнчаклиги туфайли 1983 йилда ташкил этилган ушбу корхона қисқа муддат ичида тўла қувватли хўжалик сифатида ном қозонишга муяссар бўлди. Корхона ҳудуди мудом тоза, озода. Бу ерга қадам ранжида қилган кишининг даставвал ана шу орасталикдан баҳри-дили очилади. Ҳаммаёқ супуриб сидирилган, баҳайбат юк машиналари ҳам ярқираб турибди. Корхона пештоқларига киши кайфиятига яхши таъсир қиладиган халқона сўзлар битилган. Жамоа аҳил, қилаётган меҳнатидан ҳамманинг кўнгли тўқ. Ҳайдовчилар яхши ҳақ олишади. Ўзини кўрсатган, ибрат бўлган ишчиларга имтиёзли иш ҳақи, таътиллар берилади. Раҳбар ўз жамоасидан, жамоа ўз раҳбаридан миннатдор.

Бир замонлар у ёғи Хитой, бу ёғи Олмония, Туркия, Афғонистонгача юк элтган корхона ҳайдовчиларининг юмушлари бугунги кунда ҳам асло камаймаган. Зарур халқ хўжалиги юкларини керакли манзилларга етказиб бериш бўйича корхонанинг Денов, Олтинсой, Сариосиё туманлари учун ниҳоятда асқотадиган жиҳатлари бор. Бундан ташқари, эл-улуснинг, деҳқон, миришкорларнинг ҳам тирикчилиги бор, улар етиштирган мева-чеваларни, сабзавот-полиз маҳсулотларини республиканинг катта шаҳарларига элтиб беришда ҳам корхона ҳайдовчиларининг улуши катта бўлмоқда. Корхонанинг тўқсондан ортиқ юк машиналари ана шундай эзгу ташвишлар учун тиним билмай юриб турибди. Уч юздан ортиқ киши ишлайдиган жамоанинг мақсад-муддаоси, ўй-кечинмалари ҳам шу ташвишлар ила чамбарчас боғлиқ.

О. Элмуродов, З. Султонов, А. Раҳмонов, А. Абдусатторов, Э. Ҳасанов сингари ҳайдовчилар айнан ўз жонкуярликлари ила ўзгаларга ибрат кўрсатиб, ҳурмат ва таҳсинга сазовор бўлишмоқда.

Корхона жамоаси, Абдураҳмон ака бошлиқ раҳбарияти Президентимизнинг юрт фаровонлиги, халқимиз турмушини янада яхшилашни кўзлаб чиқарган қатор фармонларига ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалда жавоб бермоқдалар. Шу маънода корхона қошида иккита ишлаб чиқариш цехи очилган. Бу цехларнинг бирида кийим-кечаклар тайёрланади, иккинчисида эса арзон нархли гиламлар тўқилади. Ушбу хайрли ишларга эллликка яқин йигит ва қизлар жалб этилган. Хом ашё эса келишув йўли билан Бухородан келтирилмоқда. Корхонанинг бундай тадбиркорлик ишларини шаҳар ҳокимияти яқиндан қўллаб-қувватлаб, шаҳарнинг бошқа корхона-ташкилотларида ҳам шундайин ишбилармонликни кенг йўлга қўйиш йўлларини изламоқда.

Корхона ҳақида, унинг жамоасию беҳаловат раҳбари ҳақида яна нима дейиш мумкин? Уларнинг мазиллари нурли, йўллари равон. Улар эндигина уч ёшга тўлган мустақил давлатимиз учун ҳали ниҳоятда кўп меҳнат қилиш қераклигини яхши билишади. Улар ўз тақдирларини юрт тақдирисиз тасаввур қилишолмайди. Абдураҳмон ака-чи, у кишининг ўзи нима дейди?

— Меҳнат қилиш керак, — дейди. — Фаровонлик бир кунда ё бир йилда келмайди. Буни ҳаммамиз яхши билишимиз керак.

Аканинг ўзиям бир замонлар автобус ҳайдаган. Ўз юртидан чиққан ёзувчи-шоирларни яхши кўради. "Сирожиддин Саййид билан кўп қаҳва ичганмиз,— дейди. — Тоғай Мурод билан эса бир маҳаллар урушиб, дўстлашганмиз дейди...".

Н. ҚОБИЛ.

Спорт

ШОҲСУПАДА... ВАТАН ТИМСОЛИ

XII Осиё ўйинлари ҳақида мулоҳазалар



Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинлари анжуманида "Спорт" газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов ҳам иштирок этди. Қуйида унинг Осиё ада ўйинлари ҳақидаги таассуротларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Биринчи уриниш... биринчи қадам... биринчи ғалаба ҳар доим қийин кечади, масъулияти, ҳаяжони, қувончининг ўлчови бўлмайди. Шу боис ҳам "биринчи"ларни тарих унутмайди. Шу боис, қитъамизнинг нуфузли ўйинларида қатнашган ҳар бир юртдошимиз Ўзбекистон тарихида қолади, чемпионларимизнинг номлари йиллар оша қайта-қайта тилга олинади.

Мустақил Ўзбекистон терма жамоаси сафидан муносиб ўрин олиш учун спортчиларнинг ҳар бири оғир синовлардан ўтишди. Қатор мусобақалар, мулоҳазалар, тортишувлардан сўнг сараларнинг сараларига ишонч билдирилди. Чунки биз мустақил давлат сифатида Осиё ўйинларига биринчи марта бораётгандик. Биз Осиёни яхши билмаганимиздек, Осиё ҳам бизни яхши танимасди. Мақсадимиз — уларни кўриш ва уларга ўзимизни кўрсатиш эди. Кўринганда ҳам бой тарихли, юксак маданиятли буюк мамлакатнинг муносиб фарзандлари бўлиб кўриниш эди.

... Озод Ўзбекистоннинг "ИЛ-62" самолети салонида худди Ватан қучоғида ором олаётгандек бораётган спортчиларни кузатаман. Чап томондаги ўриндиқда боксчи Наримон Отаев... У жаҳон кубогининг ғолиби. Хиросимада ҳам совринга даъвогарлардан бири. Кейинги ўриндиқда гимнастикачи Оксана Чусовитина, гимнастика оламида таниқли, олимпиа чемпиони. Лекин унга осон бўлмайди. Япония, Хитой, Корея гимнастикачилари маҳорати дунёга маълум. Мен билан ёнма-ён алп қоматли Сергей Кот ўтирибди. У ўтган йили ядро ва диск улоқтириш бўйича Осиё чемпионатининг кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритган... Сергей тиззаларини ўриндиқлар орасига сиғдиролмай овора. Гоҳ чашка, гоҳ ўнгга ёнбошлайди.

— Гавда катта бўлсаям қийин-да, — дейди кулимсираб.

Биздан орқада футболчиларимиз жойлашишган. Ўша давра сал шўхроқ. Алланарсалар ҳақида гаплашиб, кулишиб кетишяпти. Аҳён-аҳёнда бурилиб қарайман. Азамат, Шуҳрат, Миржалол, Абдуқаҳҳор, Игорь... Айтмоқчи, Шквиринни Рустам Акрамов жуда ҳаяжонланиб кутганди. Кетишимиздан уч кун олдин у билан кўришгандим. "Икки марта телефонда гаплашдим, келишга ваъда берувди, билмадим, негадир жимжит", дея ташвишланганди.

— Келмай қолганида ҳам ҳужумчиларимиз етарли-ку, — дедим унга далда бермоқчи бўлиб. — Кейин у ҳозирги терма командамизда ҳали бирор марта ҳам ўйнамаган, қовушиб кета олармикан?

— Эшитишимча, Игорь ҳозир Исроилда яхши ўйин кўрсатяпти, — деди у. — Ҳар ҳолда чет элни кўриб кўзи пишиган. Азамат, Миржалол, Игорь командани ушлаб туришади.

Мана, бош мураббий истаган ҳамма футболчилар жамулжам. Лекин улар қандай ўйин кўрсатишлари ҳақида ҳеч ким башорат қила олмайди. Тўғриси, ҳеч ким футболчиларимиздан совринли ўринларни кутмаяпти. "Майли, Осиё футболини кўриб келишсин, тажрибалари ошади", — дейишганди.

... Салонимизга республика спорт қўмитаси раиси Собиржон Рўзиев кириб келди. У ҳол-аҳвол сўрашди, айримлар билан ҳазиллашди. Спортчидан чиққан бу раҳбарни ҳамма ўзига яқин олади. У ҳам спортчиларни яхши тушунади. Шу тобда Рўзиев қанчалик ҳаяжонланаётганини яхши билардик. Унинг ва ҳамкасбларининг меҳнати ана шу йигит-қизларимиз Хиросимада кўрсатадиган натижалар билан баҳоланади. Собиқ Иттифоқ парчаланганидан сўнг Ўзбекистон вакиллари биринчи марта ана шундай катта таркибда муҳим мусобақага кетяпти. Турли миллат фарзандларидан иборат аҳил юртдошларимиз бир тан, бир жон бўлиб, Ўзбекистон шарафи учун майдонга тушишади.

... Ниҳоят, саккиз соатлик парвоздан сўнг самолётимиз булутлар қатламини ёриб, ёруғликка чиқди. Пастда чексиз денгиз кўринди, сўнг Осака шаҳри аэропорти. Соат кундуз 12 да қўндик. Самолёт енгил қалқиди. Япония замини! Юракларимиз бир ҳаприқиб тушди. Ҳарорат 22 даража иссиқ, дим. Ёмғир томчилаб турибди. Биз ҳам, мезбонлар ҳам бир-биримизга ҳаяжон билан қараймиз. Махсус автобусларда Хиросима сари йўл олдик. Ойнадек теп-текис йўл, бир томонда денгиз, бир томонда ям-яшил тоғлар. Обод, кўркам қишлоқлару, шаҳарчалар бирин-кетин ортда қолиб, Хиросимадан 65 километр четда бунёд этилган Олимпия қишлоғига етиб келдик. Бизни тантана билан кутиб олишди. Шу заҳотиёқ япониялик журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб беришга тўғри келди. Ўзбекистонга қизиқиш катталигини дарҳол пайқадик.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Ўзбекистон ҳақида матбуотда, телевидениеда тез-тез гапирадиган бўлиб қолишди. Япон журналистлари шу йил баҳорда Тошкентга келиб, спортчиларимиз ҳақида тайёрлашган кўрсатув намойиш этилди. Назаримизда, бошқаларга қараганда японияликлар бизга кўпроқ меҳрибонлик кўрсатишаётгандек туюларди.

Буни Хиросимага борганимизнинг иккинчи куни Олимпия қишлоғида Ўзбекистон байроғи кўтарилган кундан бошлаб яққолроқ ҳис этдик. Анъанага кўра, Олимпия қишлоғида ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг байроғи тантанали равишда кўтарилади. Аммо бизнинг байроқ кўтарилган куни Олимпия қишлоғида алоҳида бир кайфият ҳукмрон бўлди, японияликлар қаттиқ ҳаяжонга тушишди. Бизга алоҳида иззат-икром кўрсатишди. Гап шундаки, Хиросимага жўнашимиздан бир кун аввал делегациямиз аъзолари иккинчи жаҳон урушида асир тушган япон аскарлари дафн этилган қабристонни зиерат қилишганди. Бу маросимда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам қатнашувди. Ана шу тадбир тасвирланган лента ва рангли суратлар, қабристондан олинган тупроқни делегациямиз раҳбари Алишер Азизхўжаев Олимпия қишлоғи ҳокими ва Ўзбекистон — Япония дўстлик жамияти вакилларига топширганди. Бу хайрли иш японияликларни ҳаяжонга солди, журналистларда катта қизиқиш уйғотди. Байроқ кўтарилган майдонча ёнидаги бинода ўзбекистонликлар шарафига тантанали митинг уюштирилди. Бизга мезбонлар миннатдорчилик билдириб, делегациямизнинг ҳар бир аъзосига эсдалик совғалари улашди.

Япония ва бошқа мамлакатлардан келган журналистлар дастлабки кунлари бизга деярли бир хил саволлар беришарди: Ўзбекистоннинг аҳолиси қанча, қанча миллат яшайди, қанча спортчи келган, нечта медаль олмоқчисизлар, энг кучли спортчиларинг кимлар, Осиё ўйинларида қатнашишни қандай баҳолайсизлар?... Тўғриси, суҳбатлар орасида улар Ўзбекистон ҳақида жуда кам билишлари сезилди. Вақт ўтган сари эса етакчи спортчиларимиз номларини тўлиқ билиб олишди. Ҳатто ким қайси шаҳарданлигигача. Бир япон журналисти қаердандир Ўзбекистон харитасини топиб келиб, ундаги жойлар номларини инглиз тилида ёзиб беришимизни илтимос қилди.

Бир ҳафта ўтган бўлса-да, медаллар сони жиҳатидан 9-10 ўринда бораётганимиз, олтин медалдан дарак бўлмаётганлиги дилимизни хира қилиб турарди. Ниҳоят, Иван Киреев "олтин"ларга ҳисобни очди. 9 октябрь куни каноэчилар ўртасида 500 метр масофага бўлган баҳсда у ғолиб чиқди. Биринчи марта Ўзбекистон байроғи юқори кўтарилди, мадҳиямиз янгради. Сўнг кетма-кет олтину кумушлар қўлга киритила бошланди. Икки кундан сўнг еттинчи ўринга кўтарилдик. Лекин биздан олдинда бораётган Эрон ва Тайванднн ортда қолдиришимиз лозим эди. Ўшанда биз бешинчи ўринни эгаллаймиз. Бу биз учун энг юқори марра бўлади. Чунки Хитой, Япония, Корея, Қозоғистонга етиш мумкин эмас. Бу мамлакатлар биздан икки баравар кўп спортчи олиб келишган. Қолаверса, Хитой, Япония, Корея бизга маълум бўлмаган, лекин мусобақалар дастуридан ўрин олган миллий спорт турлари бўйича ҳам қатнашмоқда. Юқори кўтарилиш учун бизга олтин медаллар жуда зарур эди. Боксчиларимиз Олег Маскаев, Алишер Авезбоев, енгил атлетикачиларимиз Светлана Мунькова (Рубан), Оксана Яригина, ўнкурашчимиз Рамиль Ғаниев, мерганларимиз Шуҳрат Аҳмедов, Искандар Османов, Николай Репичев ғалабаларидан сўнг бешинчи ўринга кўтарилдик.

Финалгача барча рақибларини доғда қолдириб келган футболчиларимиздан ҳам олтин медаль кутаётгандик. Ярим финалгача деярли ҳамма Ўзбекистон чемпион бўлади, деб ишонч билан гапирганди. Кореяликларни қийинчилик билан енгганимиздан сўнг Хитой ғалабасига ишонганлар бироз кўпайгандек бўлди.

Ниҳоят, футболнинг финали! Осиё ўйинларининг сўнгги, энг ҳаяжонли учрашуви! Етмиш минг кишилик янги "Хиросима Бик-Ал" стадиони томошабинларга тўла. Осиё ва жаҳон футболи мутахассислари, барча делегациялар аъзолари, журналистлар тўпланган. Япония императори ўғли Шаҳзода Нарухито, император оиласининг бўлажак келини Масако, Хиросима шаҳри раҳбарлари... бутун Осиё ва дунё вакиллари гувоҳлигида чемпионатнинг сўнгги олтин медали учун кураш бошланди. Даъвогарларнинг бири дунёга машҳур, миллиарддан зиёд аҳолига эга қудратли Хитой, иккинчиси яқингинада ўз мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаган, ўйинларда биринчи марта қатнашаётган, буюк келажак сари дастлабки қадамларини ташлаётган Ўзбекистон!

Учрашувнинг ҳар бир дақиқасини ҳадик ва ҳаяжон билан кузатамиз. Бутун стадион гулдурос қарсаклар, қийқириғларга кўмилган. Японияликлар ҳам "Ўз-бе-кис-тон!", "Ўз-бе-кис-тон!" дея бизга тарафкашлик қилишарди. Уларнинг қўлларида Ўзбекистон байроғи ҳилпирарди. Марказий Осиё республикалари Малайзия, Саудия Арабистони ва бошқа кўплаб мамлакатлар вакиллари ҳам ҳамюртларимиз ўйинларини олқишлаб туришди. Осиё ўйинларида биринчи марта қатнашаётган Ўзбекистон футболчиларининг маҳорати барчани мафтун этиб қўйганди.

Ўйин тугаган дақиқалардаги ҳолатимизни тасвирлаш қийин. Қалбимиз фахр, ифтихорга, кўзимиз қувонч ешларига тўлган... Йигитларимиз бир-бирларини қучишган, Рустам Акрамов кафтлари билан кўз ёшларини артяпти, Биродар Абдураимов... Футболда кўплаб ғалабаларни бошидан кечирган инсон. Лекин ҳеч қачон бунчалик ҳаяжонланмаган бўлса керак. Ёнатрофимизда ўтирган Япония, Эрон, Қозоғистон, Тайванд ва Хитой журналистлари ҳам чин дилдан бизни табриклашарди. Шу пайтда Шуҳрат Мақсудов Ўзбекистон байроғини боши узра баланд кўтариб, стадион йўлакчаси бўйлаб югуриб кетди...

— Қойил, зўр, бопладинглар! — деди Қозоғистон "Спорт" газетаси бош муҳаррири, ёзувчи Несип Жунисбоев. — Ҳамма медаллар бир бўлди-ю, бу ғалабаларинг бир бўлди. Сенлар ҳаммани ютиб кетдиларинг, улоқ сенларда кетди. Футбол-футболда. Эҳ, бизникилар келмади-да...

Гарчи Қозоғистон кўп медаль олган бўлса-да, Несип бизга ҳавас билан қарарди. Дарҳақиқат, шу топда ўзимизни нафақат футболда, умуман ўйинларда ғолибдек ҳис этардик. Шунга арзийдиган ғалабага эришгандик.

Ғолибларни тантанали мукофотлаш маросими бошланди. Шоҳсупада футболчиларимиз... Йўқ, шоҳсупада Ўзбекистон! Байроғимиз кўтарилиб, минглаб томошабинлар олдида мадҳиямиз янгради!

— Бу мадҳияни ким ёзган? — сўрайди рус тилида япон журналистларидан бири.

— Мен эътибор бердим, энг чиройли мадҳия сизларники экан, — деди.

Ҳа, энг чиройли мадҳия бизники, энг чиройли байроқ ҳам, Ватан ҳам! Буни узоқ Японияда Осиё ўйинларида яна бир бор ҳис этдик.

Сафар ОСТОНОВ,
Тошкент-Хиросима-Тошкент.
Муаллиф олган суратлар.

Шифокор огоҳлантиради

КЕЛИШИ ОСОН, КЕТИШИ ҚИЙИН

Хасталиклар ичида сил касаллиги ўзининг ғоят "маккорлиги", кўпинча бошқа хасталиклар ниқоби остида кечиши билан нафақат беморни, шифокорларни ҳам чалғитиб қўяди.

Кейинги йилларда шифохонамизга турли вилоятлардан келган беморлар орасида айни сил билан оғриган ёшларнинг кўп учрашиши биз шифокорларни ташвишга солмоқда. Масаланинг бошқа иқтисодий тарафини олиб кўрайлик: шифохонада беморнинг даволаниши, туриши, овқатланиши учун бир кунда 50—60 сўм сарфланмоқда. Силнинг ҳатто энг енгил тури билан оғриган бемор ҳам камида шифохонада икки-уч ой даволанишини ҳисобга олсак, давлатимизга силни даволаш қанчага тушаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қолаверса, беморларнинг руҳий-маънавий азобланиши, оила аъзоларининг ҳам маънавий, ҳам моддий қийинчилиги — буларнинг ҳаммаси қайси рақамларда ўлчанади? Шу сабабли силнинг олдини олиш, уни келтириб чиқаришга туртки бўладиган омилларни йўқотишга ҳаракат қилмоқ зарур.

Аҳоли орасида силга чалинганларни аниқлаш, уларни даволаш, беморларни болалар муассасалари, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тармоқларга ишга қўймаслик силни тарқатувчи манбани йўқотиши мумкин.

Сил билан оғриганлар шахсий озодагарчилик қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим. Бемор ётган хона ҳар куни беш фоизли хлорамин ёки икки фоизли сода эритмасида ҳўлланган латта билан артиб турилиши керак. Бу ҳақда алоҳида тўхталишимизга сабаб шифохонамизда ётган беморларни вилоятлардан кўргани келган оила аъзолари, ёру биродарлари баъзида ёш болаларини эргаштириб келадилар. Огоҳлантиришимизга қарамай беморлар ўз болаларини суйиб эркалайдилар.

Сил касаллигининг олдини олишдаги муҳим йўналиш— махсус профилактика бўлиб, у БЦЖ билан эмлаш ва қайта эмлашни ўз ичига олади. Эмланган киши силга дучор бўлса, касаллик анча енгил ўтади ва бемор тез соғаяди.

Хасталикнинг олдини олишнинг яна бир йўли химиопрофилактикадир. Сил таёқчаларини ажратувчи бемор оила аъзолари, айниқса, ёш болалар ва ўсмирлар сил билан оғриш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга химиопрофилактика тадбирларини ўтказиш лозим. Одатда тубазид ёки фтивазид каби махсус силга қарши дори икки-уч ой давомида йилига икки марта қабул қилинади.

Аҳолини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш хасталикнинг олдини олиш имконини беради. Қолаверса, бу дардни кескин камайтиришга эришиш ҳаммамизга боғлиқ.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
тиббиёт фанлари доктори.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМШИРАЛАРИ ТАНЛОВИ

Буюк алломалар юрти бўлган Бухорои шариф бугунги кунда катта йиғинлар, халқаро анжуманлар ўтказиладиган шаҳар бўлиб қолди. Ўтган ҳафта бу қадимий шаҳар кўчалари яна байрам либосини кийди. Бухоронинг меҳмондўст халқи Марказий Осиё Республикаларининг тиббиёт ҳамширалари. вакилларини иззат-икром билан кутиб олди.

Уч кун давом этган бу анжуман қатнашчиларини вилоят ҳокими қабул қилди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонимиз вилоятларидан келган энг яхши ҳамширалар 22 октябрда Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли маданият саройида ўз касб-маҳоратларини намойиш этдилар. "Ҳамшира-94" кўрик-танловининг бош соврини Тошкент вилоятидаги Оққўрғон шифохонаси дояси Раъно Жўраевага насиб этди. Иккита биринчи, иккита иккинчи, учта учинчи ўринларни эса туркманистонлик, тошкентлик, қозоғистонлик қирғизистонлик, тожикистонлик ҳамширалар эгалладилар.

Кўрик-танлов ғолибларини вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов қизғин табриклаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширди. Кўрик танловни ўтказишга Бухоро вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, "Ўзтадбиркорбанк"нинг вилоят бошқармаси, Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Мустанг" шахсий фирмаси, "Бухороғўшт" ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

АМЕРИКАГА ЎҚИШГА

АҚШ ҳукумати "Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти" дастурини эълон қилиш шарафига муяссардир. Бу дастур АҚШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади. Бу халқаро мактаблар дастури бўлиб, Ўзбекистонлик ўсмирлар АҚШ юқори синфларида ўқишлари ва америкалик оилаларда яшашларининг бир йил давомидаги моддий харажатларини АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олади.

Танловда қатнашувчилардан қуйидагилар талаб қилинади:

— Ўзбекистон фуқароси бўлишлари керак;
— 1979 йил 1 январдан 1980 йил 15 июнгача бўлган даврда туғилганлар;
— охирги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан ортиқ яшамаганликлари;
— АҚШга боришга виза олиш учун тўсқинликлар бўлмаслиги;
— инглиз тилида ёзишни ва оғзаки нутқни нухта билишлари шарт.

Агар Сиз танловнинг биринчи босқичида иштирок этишни истасангиз, Сизда қуйидагилар бўлиши керак:

— туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асл нусха);
— 3х4 ҳажмдаги бир дона фотосурат;
— қора ёки кўк рангли ручка ва қалам.

Сизнинг ҳудудингиздаги тест танловининг жойи ва вақти ҳақида махсус маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:

45-42-71, 45-49-54.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, Ўқувчилар саройи, 5-хона. АКСЕЛС.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим Р. Иброҳимовага акаси, таниқли кинорежиссёр **Латиф ФАЙЗИЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТошДУ механика-математика факультетининг собиқ доценти **Абдурасул БОБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига дўстлари ва ҳамкасблари чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси бўлим мудири **Водуд Мажидович БАҲОДИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси катта илмий ходим Бахтиёр Султоновга волидан муҳтарамаси **Хайринисо ИБРОҲИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки жамоаси Кредит бериш бошқармасининг бўлим бошлиғи Ҳакимжон Бобоназаровга волидан муҳтарамаси **Нарэнгул БОБОНАЗАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Футбол

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Осиё чемпионлари кубоги учун курашаётган Фарғонанинг "Нефтчи" футболчилари ярим финалга чиқдилар.

Маълумки, футболчиларимиз дастлабки учрашувни Эронда "Сайпа" жамоаси билан ўтказиб, ҳисобни 2:2 қилишган эди. Уларнинг ўз майдонларида ўтказилган такрорий учрашуви 1:1 ҳисобида тугади. Энди "Нефтчи" Ғарбий минтақанинг тўрт ғолиби билан баҳслашади. 1-2 ўринларни олган жамоа финалга чиқади. Учрашувлар 23 ноябрь — 4 декабрь кунлари давом этади. Финал 23 - 29 январга мўлжалланган.

БИР ХИЛ ҲИСОБДА

Шу кунларда Катарнинг Доха шаҳрида ўсмир футболчилари ўртасида Осиё чемпионатининг финал босқичи давом этмоқда.

Футболчиларимиз дастлабки учрашувни Саудия Арабистони жамоаси билан ўтказиб /1:6/, ютқазишган эди. Улар Катар футболчиларига ҳам шу ҳисобда имкониятни бой беришди.

ЎРИНБОСАРЛАР САФИГА

Наманганнинг "Наврўз" футболчилари келаси йилдан биринчи лига табақаси аъзолари сафида ўйнайдиган бўлишди.

Наманганда Андижоннинг "Шаҳрихончи", Фарғонанинг "Ситора", Жиззахнинг "Кимёгар", Сирдарёнинг "Боевут" ва "Наврўз" футболчилари куч синашдилар. Наманганликлар саккиз имкониятдан еттита очко тўплаб, ғалаба қозондилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухородa — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г—1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.